



ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume 1, Issue-6, (June) 2024
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

РАШИДОВ Шавкатбек Равшанбек ўғли
ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси

ЭЛЕКТРОСКУТЕРЛАР ВА ЭЛЕКТРОСАМОКАТЛАРДАН Фойдаланишни ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР АЙРИМ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада электроскутерлар ва электросамакатлар билан боғлиқ асосий тушунчалар, уларнинг авзалликлари ҳамда камчиликларига ёритилган. Шунингдек ушбу транспорт воситаларидан фойдаланишда юзага келаётган келаётган айрим муаммолар, ҳамда ушбу муаммоларга ечим сифатида хориз тажрибаси ўрганилиб, мавжуд статистик маълумотлар таҳлили асосида ушбу транспорт воситаларидан фойдаланиш натижасида юзага келаётган йўл-ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олишга доир бир неча таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: электроскутерлар, электросамакатлар, скутерлар, квадроцикллар, йўл ҳаракати қоидалари, “Kikshering”.

НЕКОТОРЫЕ ВЫВОДЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ, КАСАЮЩИЕСЯ РЕГУЛИРОВАНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОСКУТЕРОВ И ЭЛЕКТРОСАМОКАТОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены основные понятия об электросамокатах и электроскутерах, их преимущества и недостатки. Кроме того, были изучены некоторые проблемы, возникающие при использовании данных транспортных средств и зарубежный опыт их решения, и на основе анализа имеющихся статистических данных представлен ряд предложений и рекомендаций по предупреждению нарушений правил дорожного движения, вызванных использованием этих транспортных средств.

Ключевые слова: электросамокаты, электросамакаты, скутеры, квадроциклы, правила дорожного движения, «Кикшеринг».

SOME CONCLUSIONS AND RECOMMENDATIONS REGARDING THE REGULATION OF THE USE OF ELECTRIC SCOOTERS

ANNOTATION

This article discusses the basic concepts of electric scooters, their advantages and disadvantages. In addition, some of the problems that arise when using these vehicles and foreign experience in solving them were studied, and based on the analysis of available statistical data, a number of proposals and recommendations were made to prevent traffic violations caused by the use of these vehicles.

Key words: electrocutters, electrosomakats, scooters, quadrocycles, road behavior rules, "Kickshering".

XXI аср ахборот-технология асри шубхасиз. Чунки ҳар қандай янги техника-технология инсонларнинг ҳаёт кечирishi давомида юзага келадиган эҳтиёжларини қондириш, уни осонлаштириш, кам куч ва кам вақт энергия сарф қилиш мақсадида яратилмоқда.

Шулардан бири сифатида электроскутерлар ва электросамокатларни мисол қилишимиз мумкин. Уларни ҳам инсонларни узоғини яқин қиладиган транспорт воситалари қаторига қўшишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” [1]ги қарорида эса аниқ таъриф берилмаган.

Лекин бу транспорт воситасини бошқарган шахслар ҳаракатланиш давомида бевосита йўл ҳаракати иштирокчилари ҳисобланади. Бу эса улар ҳам йўл-ҳаракати қоидаларига тўлиқ амал қилишларини белгилайди. Амал қилмасликлари эса турли йўл-ҳаракати билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаради.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) сўнги ҳисоботида кўра, йўл-транспорт ҳодисалари туфайли дунё бўйлаб ҳар куни ўртача 3600 киши, бир йилда 1,3 миллион киши ҳалок бўлади.

Юқоридаги ҳисоботга кўра, 5 ёшдан 29 ёшгача бўлган болалар ва ёшлар ўлимининг асосий сабабларидан бири йўл-транспорт ҳодисалари натижасида олинган жароҳатлардир [2].

Йўл транспорт ҳодисаси қурбонларининг яримидан кўпи пиёдалар, велосипедчилар ва мотоциклчилар бўлиб, аёлларга қараганда эркеклар кўпроқ йўл-транспорт ҳодисалари қурбони бўлишган ва уларнинг 4 дан 3 қисми 25 ёшгача бўлган эркеклардир [3].

Сўнги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шаҳар ва қишлоқларда янги йўллар ва кўприклар қурилди, таъмирталаб бўлган кўплаб йўллар реконструкция қилинди. 2023 йилнинг 9 ойи ичида тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида қарийб 9,2 минг ётиқ чизиқлар чизилган, 417 светофор объектлари ҳамда пиёдалар учун 210 та светофор қурилган [4].

Бироқ шунга қарамадан, ҳар куни турли даражадаги йўл транспорт ҳодисасига ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларига гувоҳ бўламиз ёки ижтимоий тармоқларда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолаларга кўзимиз тушади. Бу эса ҳар бир фуқарони, давлат органларида хизмат қиладиган хизматчиларни, депутатларни ўйлантириши лозим бўлган масала десак муболаға бўлмайди. Статистик маълумотларга кўра автомобиль йўлларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганлиги сабабли, 2023 йилда жами 16 млн дан ортиқ қоидабузарлик қайд этилган, жумладан 13 млн дан кўп кўпол қоидабузарлик, 42 мингга яқин транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, 300 мингдан ортиқ пиёдалар қоидабузарлиги қайд этилган. Оқибатда, 2023 йилда 9 839 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 209 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 282 нафар фуқаро ҳалок бўлган. 2023 йилда болалар билан боғлиқ 1 794 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 1 568 нафар бола жароҳатланган ва 263 нафар бола ҳалок бўлган [5].

Кўп ҳолларда бахтсиз ҳодиса натижасида фуқаролар тан жароҳати олиб, ўлим юз берганлиги ҳам кузатилмоқда.

Юқорида келтирилган сатистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаги йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик сони борсан сари ортиб бормоқда. Шуларнинг орасида электроскутер ва электросамокатлар орқали содир этилганларни ҳам учратамиз.

Статистик маълумотлар бизга айнан ушбу турдаги жинойтларнинг ёки ҳуқуқбузарликларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш, шунингдек уларни юзага келтираётган сабаблар ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни ўрганиш имконини беради. Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки жинойтларни олдини олишда хориж тажрибасини ўрганиб, миллий қонунчилигимизга мослаштириш ҳам талаб этилади.

Ҳозирда электроскутер ёки электросамокатларни ижарага олиб фойдаланиш кенг тарқалмоқда. Гарчи бундай хизмат Тошкент шаҳрига 2022 йилда кириб келган бўлса ҳам жуда тез оммалашди. Электроскутер ёки электросамокатларни “Kikshering” (инглизча “kick” - оёқ билан тепиш ва “sharing” - биргаликда фойдаланиш) қилиш яъни бу электр самокатларни қисқа муддатга ижарага олиш хизматидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ушбу транспорт воситасининг афзалликлари ва камчиликларини қуйидагича изоҳлаган.

Афзалликлари:

- қисқа вақт ичида А нуқтадан б нуқтага етиб бориш учун қулай транспорт воситаси;

- автомобилга нисбатан нархи арзон;

- шахсий автомобилларга муқобил восита бўлганлиги сабабли тирбандликни камайтиради;

- экологик тоза транспорт эканлигини;

Качиликлари сифатида эса:

- самокатларнинг автомобиль йўлидаги бетартиб ҳаракати ҳайдовчиларда стрессни келтириб чиқаради;

- пиёдалар йўлагидики кимўзарга ўйнаш қариялар, болалар ва ногиронлар учун хавф тугдиради;

- қурилмадан бир вақтда бир неча киши фойдаланиши;

- электр самокатларнинг йўлларда бетартиб қолдириб кетилиши пиёда ва автомобиллар ҳаракатига салбий таъсир кўрсатади;

- Вояга етмаганлар ва маст ҳолдаги кишиларнинг электр самокатларни ижарага олиши[6] каби жиҳатларни санаб ўтганлар.

Шу муносабат билан давлатимиз йўлларида кўнгилсиз ҳодисалар сонини камайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга оширилаяпти. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганларга нисбатан жарима тизимини қўллаш, шулар жумласидандир. Бутун дунёда бундан кўзланган асосий мақсад ҳайдовчи ва пиёдаларни йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бажаришга ундаш ва уларни ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширишдан тийишдир.

Бир қатор мамлакатлар амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, жарима қоидабузарлар учун психологик ва молиявий тўсиқ бўлиши мумкин. Тадқиқотларга кўра, Швейцариянинг бешта йирик шаҳрида тезликни чеклаш ва тўхташ қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорини ошириш самарали натижа берган. Автотураргоҳда тўхташ ва тезликни чеклаш қоидаларини бузиш ҳолатлари мос равишда 32 ва 17 фоизга камайган [7]. Электр самокатлар билан боғлиқ ноҳуш ҳодисалар статистикасига мувофиқ, Италияда сўнгги икки йил ичида электр самокатлар иштирокида рўй берган йўл транспорт ҳодисалари (ЙТХ) оқибатида 17 киши вафот этган. Францияда бўлса 2022 йилда электр самокатлар 27 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Хусусан, Парижда 3 киши ҳаётдан кўз юмган ва 459 киши жароҳатланган.

Буюк Британияда 2021 йил 10 нафар фойдаланувчи тўқнашув оқибатида оламдан ўтган, 331 нафари оғир жароҳат олган. Германияда 2022 йилда электр самокатлар иштирокида жами 442 та бахтсиз ҳодиса рўй берган.

Шу боис хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлари қурилмалардан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни кўрмоқда. Хусусан:

2023 йилнинг апрель ойида Парижда ўтказилган референдумда иштирок этганларнинг 90 фоизи ушбу транспорт воситаларини таъқиқлаш тарафдори эканлигини билдирган. 2022 йилда Хелсинкида дам олиш кунлари ярим тундан кейин электр самокатларни ижарага олиш таъқиқланган.

Японияда электр самокатда давлат рақами ва ён ойналари бўлиши керак, шунингдек, уларнинг пиёдалар йўлагига ҳаракатланиши ҳам таъқиқланган. Буюк Британияда электр самокатдан фойдаланувчида Q тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши даркор.

Дания, Испания ва Норвегияда махсус дубулға кийиш 2022 йилдан бошлаб минимал техник стандарт сифатида жорий қилинган. Россияда 2023 йилдан электр самокатлардан фойдаланувчиларнинг юк ва бошқа йўловчиларни ташиши таъқиқланган[8].

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ушбу транспорт воситалари ҳаракатини ҳам тартибга солиш зарур бўлади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан қуйидаги таклиқлар илгари сурилган:

Хусусан:

- йўл ҳаракати қоидаларига “электр самокат” тушунчасини киритиш ва улардан фойдаланишнинг тартибини белгилаш;

- пиёдалар серқатнов ҳудудларда тезликни автоматик пасайтириш технологиясини қўллаш;

- қурилмадан бир вақтнинг ўзида икки кишининг фойдаланиши, шунингдек, маст ҳолатда бошқаришнинг олдини олиш механизмини ишлаб чиқиш;

- қурилмалардан фойдаланишда ёш чегарасини жорий этиш (Face-ID технологиясидан фойдаланиш);

- электр самокатларни тунда ижарага олишни чеклаш;

- электр самокатлар турадиган махсус жойларни ташиқил этиш [9].

Юқоридаги таклиқларни маъқуллаган ҳолда биз ҳам электроскутер ва электросомакатлардан фойдаланишда тақиқланадиган энг минимал талаблар сифатида қуйидагиларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- рулни ушламасдан ёки бир қўлда ушлаб ҳаракатланиш (манёврдан олдин ишоралар бериш бундан мустасно);

- йўловчи ташиш;

- габаритидан бўйига ва энига 0,5 метрдан ортиқ чиқиб турган ёки бошқаришга халақит берадиган юкларни ташиш;

- йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланиш;

- трамвай ҳаракатланадиган йўлларда ва шу йўналишда ҳаракатланиш учун бўлаги биттадан кўп бўлган йўлларда чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш;

- йўлнинг қатнов қисмидан, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойидан электроскутер ва электросомакатларни бошқариб кесиб ўтиш (велосипед йўлакларида ҳаракатланиш бундан мустасно).

Ўйлаймизки электроскутер ва электросомакатлардан фойдаланишда ушбу талабларни белгиланиши улар билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ЙТХларни олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 12.04.2022 йилдаги 172-сон. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5953883> (мурожаат қилинган вақт 20.08.2024й)
2. <https://parstoday.ir/uz/news/world-i77540-%D0%94%D1%83%D0%BD%D1%91%D0%B4%D0%B0-%D0%B9%D1%9E%D0%BB-%D1%82%D1%80%D0%B0%D0%BD%D1%81%D0%BF%D0%BE%D1%80%D1%82-%D2%B3%D0%BE%D0%B4%D0%B8%D1%81%D0%B0%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B8-%D2%9B%D1%83%D1%80%D0%B1%D0%BE%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B8%D0%BD%D0%B8%D0%BD%D0%B3-%D1%81%D1%82%D0%B0%D1%82%D0%B8%D1%81%D1%82%D0%B8%D0%BA%D0%B0%D1%81%D0%B8-%D0%BC%D0%B0%D1%8A%D0%BB%D1%83%D0%BC-%D2%9B%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B4%D0%B8>
3. <https://parstoday.ir/uz/news/world-i77540-%D0%94%D1%83%D0%BD%D1%91%D0%B4%D0%B0-%D0%B9%D1%9E%D0%BB-%D1%82%D1%80%D0%B0%D0%BD%D1%81%D0%BF%D0%BE%D1%80%D1%82-%D2%B3%D0%BE%D0%B4%D0%B8%D1%81%D0%B0%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B8-%D2%9B%D1%83%D1%80%D0%B1%D0%BE%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B8%D0%BD%D0%B8%D0%BD%D0%B3-%D1%81%D1%82%D0%B0%D1%82%D0%B8%D1%81%D1%82%D0%B8%D0%BA%D0%B0%D1%81%D0%B8-%D0%BC%D0%B0%D1%8A%D0%BB%D1%83%D0%BC-%D2%9B%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B4%D0%B8>
4. <https://daryo.uz/k/2023/10/31/2023-yilning-9-oyi-ichida-yol-transport-hodisalari-soni-otgan-yilga-nisbatan-24-foizga-oshdi>
5. <https://daryo.uz/k/2024/02/28/ozbekistonda-2023-yili-sodir-etilgan-98-mingta-avariya-oqibatida-22-ming-kishi-vafot-etgan>
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти маълумотлари. Электрон манба https://imrs.uz/page/dsc_24 (мурожаат қилинган вақт: 20.08.2024 й)
7. <https://daryo.uz/k/2023/10/31/2023-yilning-9-oyi-ichida-yol-transport-hodisalari-soni-otgan-yilga-nisbatan-24-foizga-oshdi>
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти маълумотлари. Электрон манба https://imrs.uz/page/dsc_24 (мурожаат қилинган вақт: 20.08.2024 й)
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти маълумотлари. Электрон манба https://imrs.uz/page/dsc_24 (мурожаат қилинган вақт: 20.08.2024 й)